



halol.uz

Савдода ёлгон гапириш ҳаром

– Тожир савдо молини макташ учун ёлгон гапириш харом эканини зинхор унутмаслиги зарур.

Шунингдек, ваъдага вафо килмай, сўнг ёлгон гапириш, нарсаларнинг баҳосини баён қилишда ёлгон ишлатиш ҳам харомдир.

Рифоъа розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«У киши Набий соллаллоху алайхи васаллам билан намозгохга чиккан эканлар. Шунда у зот савдо қилаётган одамларни кўриб: «Эй тожирлар жамоаси!» дедилар. Улар бошларини кўтариб, чакирикка жавобан, у зотга қарадилар. Шунда у зот: «Албатта, тожирлар қиёмат куни фожирлар ҳолида тирилтирилурлар. Фақат Аллохга такво қилган, яхшилик ва ростгўйлик қилган бундан мустасно», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Агар тижоратчи одам такводор, яхшилик қилувчи ва ростгўй бўлмаса, тожирлик эгасига надомат, охират шармандалигини келтиради. Хар бир тожир ушбу ҳадиси шарифда зикр

килинган уч сифатни ўзида мужассам килишга уринмоги керак:

1. Аллох таолога такво килиш;
2. Яхшилик килиш;
3. Ростгўй бўлиш;

Ушбу сифатлари бор одамгина тижоратда фожирлик, алдамчилик, харомхўрлик килмайди.

Аслини олганда тожирлик ҳам шариат кўрсатган йўл билан амалга оширилса, ибодат бўлади. Чунки тожирлар тижоратлари оркали ўзларига фойда топишдан ташқари, жамиятлари учун катта ахамиятга эга бўлган ишни амалга оширадилар. Кўпчиликнинг оғирини енгил киладилар.

Аллох таоло Куръони Каримда тижоратни халол килганини эълон килган. Хатто хаж ибодати вақтида ҳам тижоратга рухсат берган. Сахобалардан баъзилари тижорат вақти келса, Аллохнинг йўлида жидду жаҳд килишга тенг бўлишини айтганлар.

Ушбу афзалликларнинг ҳаммаси тожирнинг такводор, ростгўй ва омонатли бўлишига боғлиқдир. Ана ўшанда мўмин-мусулмон тожир киёмат куни юксак мартабаларга эришади. Набийлар, сиддиклар ва шахидлар билан бирга бўлади.

Ушбу хадис олдимизга тожирларнинг икки хил ҳолатини кўндаланг кўймоқда:

Алдамчи, ёлгончи ва харомхўрлари киёмат куни фожир бўлиб тирилтирилади;

Такводор, содик ва омонатлилари киёмат куни набийлар, сиддиклар ва шахидлар билан бирга бўлишади. Энди ихтиёр ҳаммининг ўзида. Хар ким ниятига ва амалига яраша мансаб топади.

Абдуллох ибн Абу Авфо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши бозорда туриб, бир молни савдога кўйди ва мусулмонлардан бир одамни кизиктириш учун у(мол)га ўзига берилаётгандан кўп берганини айтиб, Аллохнинг номи ила касам ичди. Шунда:

«Аллохнинг аҳдини ва ўз касамларини озгина бахога сотадиганлар...» ояти нозил бўлди».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Оятнинг давомида:

«...албатта, ана ўшаларга охиратда яхши насиба йўқдир, киёмат куни Аллох уларга гапирмас, назар солмас ва уларни покламас. Уларга аламли азоб бор», дейилган (Оли Имрон сураси, 77-оят).

Демак, одамларни кизиктириб, молини ўтказиш учун «Ўзи бу мол менга бунчага тушган», деб ёки «Одамлар «Бунча бераман», деган эди, сотмадим», деб ёлгон айтиб, касам ичиш охиратда ёмон оқибатларга олиб келар экан. Шунинг учун бу нарсадан хушёр бўлиш лозим.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, роҳимахуллох

